



АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА НАЗОРАТ РИСКИННИ АНИҚЛАШНИНГ ВА УНДА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Амир Худайкулов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети стажёр-тадқиқотчisi,
Тошкент, Ўзбекистон.

Email: amir7x@mail.ru; a.xudayqulov@tsue.uz; xudoyqulova@tersu.uz
ORCID: 0000-0001-8915-5962

FEATURES OF DETERMINING THE CONTROL RISK AND THE USE OF SOFTWARE IN THIS AUDIT

Amir Khudaykulov

Trainee researcher at Tashkent State University of Economics
Email: amir7x@mail.ru; a.xudayqulov@tsue.uz; xudoyqulova@tersu.uz
ORCID: 0000-0001-8915-5962

JEL classification: M4, M42

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида умумий аудиторлик рисикини аниқлашнинг таркибий қисми бўлган, назорат рискини ҳисоблаш амалиётида юзага келадиган жараёнлар вазиятли асосларда таҳлилий равишда ёритиб берилган. Мақсад - Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказишида аудиторлик риски бўйича аудитнинг халқаро стандартларидан ва дастурий таъминотлардан самарали фойдаланишига эришиши бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари бекор қилиниб, аудитнинг халқаро стандартларига ўтилди. Бу эса аудиторларга халқаро аудит талабларини янада кенгрок ўрганиб,

улардан самарали фойдаланиб боришини талаб этмоқда.

Мақолада дунёning бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси тараққий этган мамлакатлари тажрибасидан аудиторлик рискини ҳисоблаш амалиёти ўрганилди ва аудиторлик рискини аниқлашнинг таркибий қисми саналган корхонадаги назорат муҳитини аниқлаш мақсадида назорат риски белгилаш ва унда дастурий таъминотлардан фойдаланиши самарадорлиги атрофлича таҳлил этишига ҳаракат қилинди.

Аудитор аудиторлик текшируви жараёнида мижоз-корхонанинг назорат рискини аниқлашида назорат тестлари бўйича саволнома тузади ва мазкур назорат тестлари бўйича саволномани айнан ўзи тўлгазиб чиқади. Бунинг боиси - мижоз-корхона ходимлари томонидан аудиторлик текшируvida субъектив ёндашувларга йўл қўймаслик бўлиб ҳисобланади. Аудитор томонидан тузиладиган назорат тестларида риск

даражаларини аниқлашнинг юқори, ўрта ва қуий синфлари хўжалик юритувчи субъектда содир этилган ва содир этилаётган хўжалик операциялар асосида, таснифланган ҳолда ёритиб берилади.

Аудитор саволномага мувофиқ мижоз-корхона бўйича йиққан далиллари, сўровномалари, бирламчи ҳисоб ҳужжатлари, бош китоб ва молиявий ҳисоботлар моддаларига таяниб назорат риски кўрсаткичларини аниқлайди. Бунда аудитор томонидан аниқлаб топилган назорат риски тавсифининг тўғрисига “1” рақами қўйилади. Мазкур “1” рақами муаян бир назорат риски тавсифи бўйича юқори, ўрта ёки қуий тавсифларидан фақат биттасига қўйилади. Колган иккитасига, яъни аудитор муаян бир назорат риски тавсифи бўйича нотўғри, - деб топган тавсифлар тўғрисига “0” рақами қўйилади (1-жадвал). Бунда интуитив, миқдорий, прогнозлаши, кутилиши, аудиторлик рискини даражаларини аниқлаши, муҳимлик даражасини аниқлаши, назорат риски даражасини аниқлаши, қиёслаши, ҳисоблаши, режалаштириши, таҳлил ва синтез методларидан фойдаланилди.

Abstract. In this article, the processes occurring in the practice of calculating the control risk, which are part of the determination of the overall audit risk in the Republic of Uzbekistan today, are analyzed on a situational basis. The goal is to achieve effective use of international auditing standards and software on auditing risk in the audit of financial statements prepared in accordance with International Financial Reporting Standards in the Republic of Uzbekistan.

Today in the Republic of Uzbekistan, the national standards of audit activity have been abolished and passed to the

international standards of audit. This requires auditors to study the requirements of international auditing more broadly and make effective use of them.

The article examines the practice of calculating audit risk from the experience of developed countries in the field of accounting and auditing, and tries to analyze in detail the effectiveness of control risk identification and software use in order to determine the control environment in the enterprise, which is an integral part of auditing risk.

In the process of audit, the Auditor compiles a questionnaire on control tests in determining the control risk of the client-enterprise and fills out the questionnaire on these control tests by himself. The reason for this is to prevent sub-approaches in auditing by the employees of the client-enterprise. In the control tests developed by the auditor, the upper, middle and lower classes of risk assessment are highlighted, classified on the basis of business transactions that have taken place and are taking place in the business entity.

In accordance with the questionnaire, the auditor determines the control risk indicators based on the evidence collected by the client-enterprise, inquiries, primary accounting documents, general ledger and items of financial statements.

In this case, the "1" number is placed on the correct description of the control risk identified by the auditor. This "1" number is assigned to only one of the upper, middle or lower descriptions in the description of exactly one control risk. The other two, the description that the auditor finds to be incorrect in determining the control risk, are numbered "0" (Table 1). The article used intuitive, quantitative, forecasting, forecasting, determining the levels of audit risk, determining the level of importance, determining the level of control risk,

comparing, calculating, planning, analyzing and synthesis techniques.

Калим сўзлар: аудиторлик риски, назорат риски, муҳимлик, мижоз корхона ва унинг бизнеси, ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизими, риск даражалари

Key words: audit risk, control risk, materiality, client enterprise and its business, internal control and accounting system, risk levels.

Кириш. Бугунги кунда корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятида самарали бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ташкил этиш – корхоналарда ҳисоб амалиётини юритишнинг биринчи даражадаги долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади. Чунки корхонада самарали бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини йўлга қўйилганлиги – корхонада барча субъектлар ўз лавозим йўриқномаларига мувофиқ, одилона вазифалар тақсимоти асосида ўз жавобгарлик марказларини вижданан ва объектив омиллар таъсирида ижро этишини, корхонада самарали ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилганлигини ва у барча жабҳаларни ўзида қараб олганлигини, корхона ўз ички назорат инспекцияси ёки ички аудитори фаолият юритишни, бошқарувда ҳар бир ходим ўз ваколати доирасида мустақил равишда қарор қабул қилиши мумкинлигини, ҳар бир қуий бўғин устидан юқори турувчи бўғиннинг назорат қилиш тизими мавжудлигини, ходимлар конкурс асосида танлаб олинишини ва улар мунтазам равишда аттестациядан ўтказилиб, малакаси ошириб борилишини, раҳбар лавозимидаги мутахассислар ўз иши бўйича корхона ва тармоқ хусусиятларини яхши билишини, моддий жавобгар ва мансабдор шахсларнинг корхона тафтиш комиссияси ёки кузатув

кенгаши олдида мунтазам ҳисбот тақдим этиб бориши, шунингдек, тафтиш комиссияси ёки кузатув кенгашининг ҳам ҳисботи тингланиши, муҳокама қилишини ва қарор қабул қилиб борилишини тақозо этади.

Материал ва метод. Бугунги кунда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Конунининг 9-моддасига асосан аудиторлик фаолияти миллий стандартлари бекор қилиниб, унинг ўрнига аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик фаолияти олиб бориш белгиланди [1]. Бунга эса асосий сабаб Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан Ўзбекистонда йирик солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳисботни халқаро стандартлари асосида ҳисбот топшириши мажбурий этиб белгиланганлиги сабаб бўлди [2].

Россиялик и.ф.д., профессор Ю.Ю. Кочинев асарларида аудиторлик риски – **кутилаётган хатоларнинг аниқланиш эҳтимоли (K)**, - деб эътироф этилади. Муҳимлик даражаси, - деб эса **бухгалтерия ҳисботида йўл қўйиш мумкин бўлган хато чегараси (S)** назарда тутилади. Бунда кутилаётган хато (K) ва йўл қўйилиши мумкин бўлган хато чегараси (S) нисбий (фоизларда) ёки қийматли (пул ўлчов бирлигига) ифодаларни ўзида қамраб олиши мумкин.

Бунда агар кутилаётган хато чегараси (K) йўл қўйилиши мумкин бўлган хато чегарасидан (S) кичик бўлса – **тақдим этилган бухгалтерия ҳисботидаги ахборотни (P) ишончли**, - деб эътироф этиш мумкин ($K < S$; $R_{(risk)} = 1 - P$) [3].

Аниқроқ қилиб айтганимизда аудиторлик риски деганда – мижознинг молиявий ҳисботида хато мавжуд бўлмаса-да, аудиторнинг молиявий



хисоботда хато мавжуд, - деб хисоблаши даражасига айтилади.

Мухимлик даражаси, - деб эса аудиторнинг мижоз молиявий хисоботидаги рақамларга умуман ишонч ҳосил қилмай қўйиш даражасига айтилади.

Демак, мижознинг молиявий хисоботида хато мавжуд бўлмаса-да уни мавжуд, деб хисоблаш даражаси мижознинг молиявий хисоботидаги рақамларга умуман ишонмай ҳосил қилмай қўйиш даражасидан кичик бўлганда, аудитор мижоз молиявий хисоботидаги ахборотларни ишончли, - деб эътироф этиши мумкин экан.

Маълумки аудиторлик рискини йўл қўйиш мумкин бўлган ҳажми амалиётда 5 фоизни ташкил этади. Бу эса аудиторлик иши сифати ва берадиган хулосаси камида 95 фоиз ишончли бўлиши лозимлигини келтириб чиқарди [4].

Умумий аудиторлик риски қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$AR = IR * CR * DR$$

Бунда:

AR – аудиторлик риски

IR – ички хўжалик (ажратиб бўлмайдиган) риск

CR – назорат риски

DR – хатонинг топилмаслиги риски

Назорат рискининг аниқ рўйхати 315-сонли “Субъект ва унинг муҳитини ўрганиш, муҳим хатоларга йўл қўйиш таваккалчилигини баҳолаш” номли аудитнинг халқаро стандартида атрофлича келтириб ўтилган [5].

Аудитор таҳлил этилаётган асосий 3 та рискин аниқлаш учун одатда уларнинг ҳар бири учун 50 тадан ортиқ тест тузиб чиқади.

Назорат рискини аниқлаш бўйича хисоб-китоблар қуйидаги шаклда амалга оширилади:

Назорат рискини аниқлаш мазкур рискини дастлабки баҳолашдан бошланади. Назорат рискини дастлабки баҳолаш – мижоз корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими билан танишиш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда ички назорат тизимининг амал қилиши тўғрисидаги маълумотлар билан танишиб бўлингач, амалга оширилади.

Мазкур билимлар аудиторга – назорат рискини ҳар бир счётнинг моддий қолдиги ёки операциялар синфлари бўйича баҳолашига имкон беради. Қоидага кўра аудитор агарда хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини самарасиз, - деб топса ёки улар самарадорлигини баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас, - деб топса, унда у назорат рискини юқори даражада белгилайди.

Натижалар. Назорат риски қанчалик қуи даражада, - деб баҳоланадиган бўлса, аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг тўғри тузилмаси ва самарали ишлашини тасдиқловчи даллилларни шунчалик кўпроқ тўплаши шарт бўлиб ҳисобланади. Назорат рискини баҳолашнинг дастлабки натижалари кейинчалик унинг якуний баҳоланиши натижалари билан солиширилади. Бунинг учун аудитор назорат тестлари (таомиллари) ни ўтказиши лозим. 315-сонли АХС да келтирилишича бундай таомиллар қуидагиларни амалга оширишни таъминлашга қўмаклашувчи сиёсат ва омиллардир:

- Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти кўрсатмаларини бажаришни таъминлаш;

- Хўжалик юритувчи субъект мақсадларига эришишига хавф солувчи



- рискларни бартараф этиш бўйича чоралар кўришни тъминлаш;
- Аниқ бир назорат таомиллари турларига мисол сифатида – рухсат этилганлик (санкциялаштириш) билан боғлиқ фаолиятни ўрганиш;
 - Ахборотга ишлов бериш билан боғлиқ фаолиятни ўрганиш;
 - Персоналнинг жисмоний соғломлигини назорат қилишни ўрганиш;

- Мажбуриятлар тақсимоти (чегараланиши) нинг мавжудлигини ўрганишни келтириш мумкин.

Бунинг учун 315-сонли АХС да келтирилган омиллар рўйхатига асосланиб назорат риски ҳисоб-китобини аниқлаштирувчи саволнома ва таомилларни маълум бир корхона мисолида ишлаб чиқиш лозим бўлади

1-жадвал

“ABC” корхонаси бўйича назорат рискини аниқлаш кетма-кетлигига мувофиқ САВОЛНОМА¹

(Ички хўжалик рискини ҳисоблаш кетма-кетлигига ўхшаш)

Т/р	Рискини келтириб чиқарувчи омиллар	Риск синфлари						Назорат граваси	
		Юқори		Ўрта		Қуий			
		Тавсифи	Бахо	Тавсифи	Бахо	Тавсифи	Бахо		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	
Ички назорат тизими билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби тизими омиллари									
1.	Корхона бир неча турдаги фаолият билан шуғуллангандা, улар бўйича тушум ва харажатлар ҳисобининг алоҳида юритилиши	Биргаликда юритилади	0	Гоҳ алоҳида, гоҳ биргаликда юритилади	0	Алоҳида юритилади	1	1	
2.	Аналитик ҳисоб маълумотларининг синтетик ҳисоб счёглари айланмаси ва колдиклари билан мос келиши	Мос келмайди	0	Ҳар доим хам мос келавермайди	0	Мос келади	1	1	
3.	Синтетик ҳисоб маълумотларининг бухгалтерия ҳисоботи шакллари маълумотлари билан мос келиши	Мос келмайди	0	Ҳар доим хам мос келавермайди	0	Мос келади	1	1	
4.	Мижоннинг ҳисоб сиёсати мавжудлиги	Ишлаб чиқилмаган	0	Ишлаб чиқилган, лекин барча жиҳатларни ёритмасдан, балки факатгина энг моддий бўлган	0	Ишлаб чиқилган, барча жиҳатларни ўзида камраб олган	1	1	

¹ Муаллиф томонидан ўрганилган материаллар ва ҳисоб-китоблар асосида тузилган.

Т/р	Рискни келтириб чиқарувчи омиллар	Риск синфлари						Назорат графаси	
		Юкори		Үрта		Қуий			
		Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	
				аспектларни қамраб олган					
5.	Бухгалтерия хисобини юритиш шакли	Бухгалтерия хисоби қўлда (махсус компьютер дастурларисиз) юритилади	0	Бухгалтерия хисоби маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланилган ҳолда юритилади	1	Бухгалтерия хисоби аудиторлик ташкилоти томонидан юритилади	0	1	
6.	Ички аудит хизматининг мавжудлиги	Ички аудит хизмати йўқ	0	Ички аудит хизмати йўқ, лекин бухгалтерия хизмати бош мутахассислари (бош ҳисобчи ўринбосарлари) ўртасида назорат вазифалари тақсимоти мавжуд	0	Ички аудит хизмати мавжуд ва мазкур хизмат мунтазам равишда назоратни амалга ошириб боради	1	1	
7.	Бошқарув услуби	Авторитар	1	Баҳамжиҳатлик асосида (ходимлар қарорлар қабул қилинишида иштирок этишади)	0	Автоном (хар бир ходим ўз ваколати доирасида мустақил равишда қарор қабул қиласи)	0	1	
8.	Юқори турувчи таркибий бўлинмалар ва ташкилотлар томонидан назорат қилиниши	Умуман назорат қилинмайди	0	Юқори мансабдор шахслар томонидан назорат қилинади	0	Юқори турувчи ташкилотлар томонидан назорат қилинади	1	1	
9.	Амалга ошириладиган операцияларга руҳсат этиш (санкциялаштирилганлик) тизими	Умуман йўқ	0	Моддий жиҳатдан катта суммадаги операцияларгагина руҳсат этиш тизими мавжуд. Жамини олганда моддий бўлмаган операциялар ҳам суйистеммол қилиш холатларини келтириб чиқариши мумкин	1	Барча амалга ошириладиган операциялар бўйича руҳсат этиш тизими йўлга кўйилган	0	1	
Хўжалик юритувчи субъект ички назорат тизимини баҳолаш									
10.	Режали ва режадан ташқари инвентаризация натижалари ўз вақтида ва тегишли равиша бухгалтерия хисоби счётларида объектив ҳолда акс эттирилиши	Объектив ҳолда акс эттирилмайди	0	Ҳар доим ҳам объектив ҳолда акс эттирилмайди	0	Объектив ҳолда акс эттирилади	1	1	
11.	Хужжатларни сақлаш тартиби ва муддатлари	Норматив-хукукий актлар талабларига мос келмайди	0	Норматив-хукукий актлар талабларига қисман мос келади	0	Норматив-хукукий актлар талабларига тўлиқ мос келади	1	1	

Т/р	Рискни келтириб чиқарувчи омиллар	Риск синфлари						Назорат графаси	
		Юкори		Үрта		Қуий			
		Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	
12.	Корхонада хисоботларни тайёрлаш ва топширишнинг белгиланган муддатларига амал килиниши	Амал қилинмайди	0	Хар доим ҳам амал қилинмайди	1	Амал қилинади	0	1	
13.	Корхонада инвентаризация ўтказиш комиссияси мавжудлиги	Фаолият юритмайди	0	Раҳбар томонидан тасдиқланмаган, фаолият юритади	0	Раҳбар томонидан тасдиқланган, белгиланган тартибида фаолият юритади	1	1	
14.	Ўтган йиллар натижалари бўйича аудиторлик текшируви маълумотларидан фойдаланиш	Текширилаётган йил билан солиширишда рақамлар кетма-кетлиги умуман мос келмайди	0	Текширилаётган йил билан солиширишда рақамлар маълум бир даражада мос келади	1	Текширилаётган йил билан солиширишда рақамлар кетма-кетлиги мос келади	0	1	
15.	Ижро этувчи ходимларнинг малака даражаси	Паст, кадрларни танлаш мезонлари ишлаб чиқилмаган	0	Үрта, кадрлар конкурс асосида танлаб олинади, лекин ходимлар кўнимсизлиги фактлари мавжуд	0	Юкори, кадрлар конкурс асосида танлаб олинади, мунтазам равишида аттестация ўтказиб борилади, кадрлар малакасини ошириш таъминланган	1	1	
16.	Хўжалик юритувчи субъект раҳбар ходимларнинг малака даражаси	Паст, кадрларни танлаш мезонлари ишлаб чиқилмаган	0	Үрта, кадрлар конкурс асосида танлаб олинади, лекин ходимлар кўнимсизлиги фактлари мавжуд	0	Юкори, малакали мутахассислар илгаридан раҳбар лавозимларида ишлаб келишади, тармок ва корхона ўзига хос хусусиятларини билишади	1	1	
17.	Тафтиш комиссияси ёки кузатув кенгаши олдида мажбурий тартибида хисобот тақдим этишининг мавжудлиги	Кўзда тутилмаган	0	Кўзда тутилган, лекин хисобот тақдим этиш номигагина ёки номунтазам равишида амалга оширилади	0	Тафтиш комиссияси ёки кузатув кенгаши олдида мунтазам равишида хисобот тақдим этиб борилади	1	1	
	Жавоблар сони	X	1	x	4	X	12	17	

Саволнома натижаларига қўра қўйидаги қўрсаткичларга эга бўлдик:

- 1 та жавоб қўрсаткич бўйича – юкори даражадаги риск (100 %) мавжуд;
- 4 та жавоб қўрсаткич бўйича – үрта даражадаги риск (50 %) мавжуд;
- 12 та жавоб қўрсаткич бўйича – қуий даражадаги риск (0 %) мавжуд.

Олинган натижаларга мувофиқ назорат риски ҳисоб-китобини амалга оширамиз.

2-жадвал

“ABC” корхонаси бўйича назорат риски ҳисоб-китоби²

T/p	Риск даражаси	Риск даражалари бўйича олинган жавоблар сони	Ҳисоб-китоб учун формула [6]
1.	Юқори	1	$= 100 - [(n1 * (100/N) + n2 * (100/N/2))]$
2.	Ўрта	4	
3.	Қуий	12	

n_1 – қуний риск даражасига эга жавоблар сони **

n_2 – ўртага риск даражасига эга жавоблар сони ***

N – жами жавоблар сони*

* Жами жавоблар сони (рискнинг умумий омиллари) саволномадаги жами саволлар сонига teng, лекин формула бўйича ҳисоб-китобда факат қуний ва ўртага риск даражалари бўйича жавоблар сони иштирок этади. Юқори риск даражалари бўйича жавоблар сони ҳисоб-китобда керак эмас – риск 100 % даражада қабул қилинади (улар шунинг учун ҳам юқори рискни келтириб чиқарувчи омил, деб аталади);

** Формулада қуний риск даражаси бўйича жавоблар сонини (бизнинг мисолимизда - 12 та) иккига бўлиш орқали корректировка қилинмайди;

*** Формулада ўртага риск даражаси бўйича жавоблар сонининг жами жавоблар сонидаги улушкини (бизнинг мисолимизда – 4 та) ярмини қабул қилиш орқали корректировка қилинади. Чунки ўртача риск шартли равишда 50 фоиз даражасида этиб қабул қилинган. Бундан қуийдаги ифода ҳосил бўлади: 100/17/2.

Назорат риски ҳисоб-китоби:

$$=100-[(12*(100/17)+4*(100/17/2))]=100-(12*5,88+4*2,94)=100-(70,56+11,76)=17,68$$

Берилган саволларга белгиланган жавобларни ҳисобга олган ҳолда муайян бир, дейлик “ABC” мижоз корхона бўйича назорат рискини ҳисоблаганимизда у 17,68 фоизни ташкил этди. Ҳисоб-китоблар аудитор кам назорат рискига эга бўлган мижоз корхона билан иш кўраётганлигидан далолат бермоқда. Шу сабабли бу кўрсаткични яхши даражада, - деб айтиш мумкин. Бу қиймат келгусида аудиторлик рискини ҳисоблашда фойдаланилишини инобатга олиш лозим.

Аудитор тестларни ўтказиши жараёнида назорат рискини дастлабки баҳолаш натижаларини амалда олинган натижалар билан солиштириши мумкин. Шунда аудиторга моддийлик бўйича олдиндан режалаштирилган текшириш таомиллари характеристи (табиати), муддатлари ва ҳажмларига ўзгартириш киритиш керак ёки керак эмаслиги аён бўлади.

² Муаллиф томонидан ўрганилган материаллар ва ҳисоб-китоблар асосида тузилган.

Бошқача қилиб айтганда назорат рискини якуний баҳолашни аудитор аудиторлик текширувани якунлагунига қадар, моддийлик бўйича таомиллар ва бошқа олинган аудиторлик далиллари натижаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши лозим. Аудитор бажарган иши бўйича олинган далилларни кўриб чиқади. Бу аудиторни ишчи ҳужжатлари сифатида қаралади. Ҳар қандай бажарилган иш у қайси босқичда амалга оширилишидан қатъий назар аудиторнинг ишчи ҳужжатларида ўз аксини топиши шарт. Мазкур ишчи ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими бўйича олинган хulosалар;

- назорат рискини баҳолаш амаллари;

- агарда назорат риски юкори даражадан паст қилиб белгиланса, бунинг сабаблари асосли хulosалар билан ҳужжатлаштирилиши керак бўлади.

Мунозара. Молиявий ҳисбот бўйича назорат рискини дастлабки баҳолаш юкори даражада, дейлик ($> 50\%$) ўртacha даражадан юкори бўлиши лозим. Истисно ҳолатлар аудитор молиявий ҳисботни бузиб кўрсатишларни олдини олувчи ёки уни аниқловчи ва тўғирлаб чиқувчи ички назорат воситаларини аниқлагандагина юз беради. Шунингдек, аудитор ўз баҳолашлари тасдигини олиш учун назорат тестларини ўтказишни режалаштирганда ҳам юз берди.

Аммо, ҳар қандай дастлабки баҳолаш амалиёти ҳам прогнозни, яъни башпоратни ифодалайди. Бунда дастлабки баҳолаш иши текширув ўтказиш ва далилларни тўплашни талаб этади. Аудитор назорат рискини дастлабки баҳолаш ишини амалга оширгач, у

аудиторлик далилларини олиши зарур бўлади. Шунинг учун ҳам назорат рискини аниқлашдаги кейинги босқич – назорат тестларини ўтказиш бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун аудитор қуйидагиларни тасдиқловчи аудиторлик далилларини олиши лозим бўлади:

- Корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ташкил этилган ва у белгиланган тартибда ишлайди;

- Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг ташкил этилиши ва ишлаши самарали ахволда;

- Назорат рискини дастлабки баҳолаш иши тўғри амалга оширилган.

Аудиторлар аудиторлик далилларини назорат тестларини ўтказиш йўли билан олишади. Назорат тестлари - юкори даражадан паст бўлган назорат рискининг баҳолаш иши натижаларини тасдиқлаш учун керак бўлади. Агарда назорат риски 100 фоиз, - деб баҳоланса, унда одатда назорат рискини тестлар билан кўшимча равишда тасдиқлаш талаб этилмайди.

Жаҳон амалиётида аудиторлик рискини ҳисоблашнинг асосан иккита методи мавжуд:

1. Интиутив равишида аудиторлик рискини ҳисоблаш;

2. Миқдорий (ҳисоб-китоблар асосида) равишида аудиторлик рискини ҳисоблаш.

Интиутив методга асосан аудитор ўз тажрибаси ва мижоз-корхонани ўрганганлик даражасидан келиб чиқиб рискини ҳисоблайди. Бунда риск аудитни режалаштириш жараёнда молиявий ҳисботлар асосида бутунлигicha баҳоланади ва алоҳида гурух операциялари бўйича юкори, ўрта ва қуий даражаларда баҳоланади. Аммо жаҳон аудиторлик амалиётида интиутив равишида аудиторлик рискини ҳисоблаш методини фақатгина кичик хўжалик

юритувчи субъектлардагина құллаш мүмкінлиги сабабли у кенг құламдағы фойдаланилмайды [7]. Бугунғи кунда аудиторлик рискини ҳисоблашда алохіда Audit XP, солиқ органларининг "Таҳлика-таҳлил" дастурий таҳминотлари мавжуд бўлса-да, бизнингча мазкур риск ҳисоблаш ва уни электрон корректировка қилиб бориш амалиётини оддий Microsoft Excel дастурий таъминотида ҳам амалга ошириш мумкин. Бунинг учун битта аудиторлик фирмаси мисолида Excel шаблонини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда аппробация қилиш ва жорий этиш мақсадга мувофиқ, - деб ҳисоблаймиз.

Хуласалар. 1. Хулоса ўрнида айтиш лозимки, аудиторлик рискини аниқлашда юқорида келтирилган назорат рискини аниқлаш кетма-кетлиги жадвалидан ташқари **ички хўжалик рискини аниқлаш кетма-кетлиги ва хатонинг топилмаслиги рискини аниқлаш кетма-кетлиги жадваллари** тузилади. Пировардида аудиторлик рискини (AR) аниқлаш формуласи орқали риск даражаси мақбул даражагача мувофиқлаштирилиб, камайтириб борилади ва риск даражасини объектив аниқлаш шаффоғлиги ортиб боради.

Аудитор рискни интуитив аниқлаш жараёнини ҳам аниқ юқоридаги каби мезонларга таяниб Excel шаблонига киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки аудитордаги илгари йиғилган барча тажриба ва интуициялар хар доим ҳам хатога йўл қўйиш эҳтимолини пасайтиравермайди, - деб ҳисоблаймиз.

2. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими тўғрисидаги ахборотни хужжатлаштириш ишларини қай йўл билан амалга ошириш, қай шаклда ва қайси методларни қўллаш орқали амалга ошириш ишлари - аудиторнинг професионал фикрлаш қобилиятидан

келиб чиқади. Моддийлик бўйича назорат тестлари ва таомиллар ўзининг мақсадлари нуқтаи-назаридан бирбиридан фарқланади, аммо айрим таомилларнинг натижалари бошқа мақсадларга эришишда кўмаклашиши мумкин. Текширув таомилларини қўллаш чоғида аниқланган моддийлик бўйича сунистъемол қилиш ҳоллари, аудиторни илгари баҳолаган назорат риски натижаларини ўзgartиришига сабаб бўлиши мумкин.

Бунда аудиторлик текшируви чоғида аудиторлик риски компонентларини баҳолаш даражалари ўзгариши мумкинлигини унутмаслик мухим бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолларда аудитор кўриб чиқилган хатонинг топилмаслиги риски ва назорат рискини баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда моддийлик бўйича режалаштирилган таомилларни ўзgartириши лозим. Хатонинг топилмаслиги риски ва назорат рискини баҳолаш натижалари қанчалик даражада юқори бўлса, аудитор моддийлик бўйича таомилларни амалга оширган ҳолда шунчалик ҳажмда аудиторлик далилларини олиши керак бўлиб ҳисобланади.

Аудитор ички хўжалик риски ва назорат риски даражаларини қанчалик юқори белгиласа, хатонинг топилмаслиги риски даражасини шунчалик паст даражада белгилаши лозим бўлади (ва тескариси).

3. Пировардида айтиш лозимки, аудиторлик рискини аниқлаш учун фойдаланиладиган назорат рискини аниқлаш формуласи – назорат риски бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал улушни аниқлаб бериш учун мўжалланган. Шунинг учун ҳам у (максимал риск миқдори) формулада иштирок этмайди ва жами қўламдан, яъни 100 рақамидан айрилади.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. (25 02 2021 г.). “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”. ЎРҚ-677-сон. Тошкент ш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. (2020 йил 24 февраль). “Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПҚ-4611-сон. Тошкент ш.
3. Кочинев., Ю. (б.д.). “Аудит. Теория и практика”. Учебное пособие, 448 стр. (П. р. Вешуновой, Ред.) 5-издание. Изд.: «Питер».
4. Худайкулов А., Адинаев Ж. (2022 йил 18-19 февраль). Аудиторлик текшируви жараёнида ички хўжалик рискини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари. “Учинчи ренесансни шакллантириши шароитида хизмат кўрсатили ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириши муаммолари” номидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, (стр. 173-177-бетлар). Самарқанд. doi: 10.13140/RG.2.2.28962.09929
https://www.researchgate.net/publication/360447718_AUDITORLIK_TEKSIRUVI_ZARAENI_DA_ICKI_HUZALIK_RISKINI_ANIKLASNING_UZIGA_HOS_HUSUSIATLARI
5. Выявление и оценка рисков существенного искажения посредством изучения организации и ее окружения. (2019 г.). Получено из <https://www.ifac.org/>:
https://www.ifac.org/system/files/publications/files/ISA-315-Full-Standard-and-Conforming-Amendments-2019_rus_secure.pdf
6. Р.Хайдаров, Председатель палаты аудиторов Республики Узбекистан. (2013). Риск – дело ограниченное. Газета НТВ(№ 45).
7. И.А. Налетова, Т.Е. Слободчикова (2005). «Аудит». Учебное пособие. (изд. ФОРУМ – ИНФРА). Москва.